



I - апрель 2011 й. г. № 100

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий
базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

I Қуйидагилар:

Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирининг



Мирзиёев

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 1 апрелдаги
100-сон қарорига
1-илова

**Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг
ишчи органи тўғрисида
Низом**

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси ишчи органининг (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) асосий вазифалари, функциялари ва ишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ишчи орган ҳисобланади.

II. Ишчи органнинг асосий вазифалари ва функциялари

3. Қуйидагилар ишчи органнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш, давлат харидларини амалга оширишда нархларни шакллантириш жараёнини назорат қилиш;

Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб аталади) қонун ҳужжатлари билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича материалларини ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари жараёнида иштирок этувчи бошқа ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ҳукумат комиссияси қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда қатнашиш.

4. Қуйидагилар ишчи органнинг асосий функциялари ҳисобланади:

давлат харидлари бўйича ахборот базасини, шу жумладан давлат харидлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар томонидан жойлаштириладиган буюртмалар, шунингдек бюджет маблағлари олувчилар томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар бўйича маълумотларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш;

Ҳукумат комиссиясининг қонун ҳужжатлари билан унинг ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидларининг ҳар бир тури бўйича кичик бизнес субъектлари, давлат бюджети ҳамда марказлаштирилган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган ташкилотлар учун квоталар белгилаш масалалари бўйича қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;

давлат харидлари жараёнини ва мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектлари учун ажратиладиган квоталарнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, Ҳукумат комиссиясининг кўриб чиқишига киритиш учун таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлаш;

Ҳукумат комиссиясининг қарорлари ва топшириқларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органларига, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари жараёнида иштирок этувчи бошқа ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларга етказиш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари тўғрисидаги ягона республика махсус ахборот порталини юритиш учун Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасига зарур ахборотларни тақдим этиш;

давлат харидлари жараёнини белгиладиган, шунингдек кичик бизнес субъектларининг товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш юзасидан давлат буюртмалари олишини кенгайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, аниқ-равшанлик ва рақобат муҳити қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

кичик бизнес субъектлари учун ажратиладиган квоталар бўйича давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) гуруҳлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

давлат харидлари соҳасида халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда, халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқани ва ҳамкорликни ташкил этишда қатнашиш.

III. Ишчи органнинг ҳуқуқлари

5. Ишчи орган ўзига юкланган вазифаларга ва бажарадиган функцияларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материалларни олиш;

давлат харидлари жараёни қатнашчиларидан кичик бизнес субъектлари учун ажратилган квоталарни бажаришга тааллуқли ахборотларни сўраб олиш.

6. Ишчи орган давлат харидларини амалга оширишда, шу жумладан бюджет маблағлари олувчилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда нархлар ошириб юборилган ҳолатлар аниқланган тақдирда мавжуд материалларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бўлинмаларини топшириши шарт.

IV. Ишчи орган ишларини ташкил этиш

7. Ишчи орган ўз ишларини ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек Ҳукумат комиссияси топшириқларига мувофиқ олиб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 1 апрелдаги
100-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржасида (кейинги ўринларда биржа деб аталади) бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши жалб қилинган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига амалга ошириладиган товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишга татбиқ этилмайди, агар кўрсатиб ўтилган хорижий кредитлар ва грантларни бериш шартларида шартларни амалга оширишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги терминлар ва таърифлардан фойдаланилади:

агент - биржада аккредитация тартиб-қоидасидан ўтган ҳамда буюртмачилар ва етказиб берувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон аукцион савдоларда қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс;

буюртмачи - электрон аукцион савдоларда товарни (ишлар, хизматларни) харид қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

фойдаланувчининг якка тартибдаги рақами - биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси томонидан буюртмачилар ва етказиб берувчиларга уларнинг белгиланган тартибда биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олинadиган иккиламчи депозит ҳисоб рақамига ўтказиладиган тегишли равишда аванс тўловлари ва молиявий закалатларини ҳисобга олиш учун берилadиган якка тартибдаги рақам;

етказиб берувчи - тақлиф этилган шартларда ўзининг электрон аукцион савдоларда қатнашиш ва кўрсатиб ўтилган савдоларда қолиб чиққан тақдирда товарни (ишлар, хизматларни) етказиб бериш ниятини билдирган хўжалик юритувчи субъект (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан якка тадбиркор);

Ҳукумат комиссияси - давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси;

электрон аукцион савдолар предмети (кейинги ўринларда савдолар предмети) - товарлар, ишлар ва хизматлар;

Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси - биржанинг буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг тегишли аванс тўловлари ва молиянинг закатларини депонентга қўйиш ва ҳисобга олиш йўли билан контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган буюртмачилар ва етказиб берувчиларни электрон аукцион савдоларни қўйишни таъминлайдиган таркибий бўлинмаси;

махсус ахборот портали - биржанинг буюртмачиларнинг электрон аукцион савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонлари ва харид жарасини қатнашчилари учун зарур бўлган бошқа ахборот жойлаштирилиши ва кўздан кечирилишини таъминлайдиган махсус сайти;

электрон аукцион савдолар (кейинги ўринларда савдолар деб аталади) - ушбу Низомга мувофиқ бошланғич нархни пасайтириш юзасидан аукцион шаклида ўтказиладиган, ўзида буюртмачилар томонидан белгиланган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарни (ишлар, хизматларни) мақбул етказиб берувчиларни танлаш усулини ифодалайдиган электрон савдолар;

электрон тизим - барча манфаатдор шахслар қатнашиши мумкин бўлган савдолар ўтказилишини таъминлайдиган дастурий-техник комплексдан фойдаланиш воситасида етказиб берувчилар ўртасида товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишга буюртмачиларни жойлаштириш тизими.

4. Ҳукумат комиссияси томонидан белгиладиган рўйхат бўйича битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача тенг суммада товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) давлат харидлари (кейинги ўринларда товарларнинг давлат хариди деб аталади) фақат ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиладиган ва ўтказиладиган савдолар орқали амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Битта контракт бўйича 300 АҚШ долларигача тенгни ташкил этадиган суммага давлат харидлари ҳам буюртмачининг ташаббуси билан ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

II. Савдоларни ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. Савдоларни ўтказишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

буюртмачилар ва етказиб берувчиларни савдоларнинг қатнашчиларини сифатида аккредитациядан ўтказиш;

махсус ахборот порталида савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш;

биржа ва агентларнинг хизматларига ҳақ тўлаш учун буюртмачи томонидан аванс тўлови ўтказилиши;

буюртмачиларнинг буюртманомалари (лотлари)ни шакллантириш;

етказиб берувчилар томонидан уларнинг савдоларда қатнашишини таъминлайдиган молиявий закатлар тўланиши.

7. Бюджет маблағлари олувчилар бўлган буюртмачиларни аккредитация қилиш биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ва биржа маълумотлар базаларининг электрон ўзаро ҳамкорлиги йўли билан автоматик режимда марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет маблағлари оладиган аккредитация қилинган буюртмачилар савдоларда биринчи марта қатнашаётганда (муस्ताқил ёки агентлар орқали) биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) буюртмачининг раҳбари ва бош бухгалтерининг нотариал ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланган имзолари намуналари қўйилган карточкаларни тақдим этади.

8. Бюджет маблағларини олмайдиган буюртмачиларни аккредитациядан ўтказиш учун ариза берувчилар биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) қуйидагиларни тақдим этадилар:

белгиланган шаклдаги ариза;
давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси (жисмоний шахслар - паспортларнинг ксеронусхалари);
буюртмачи раҳбари ва бош бухгалтерининг нотариал тасдиқланган имзолари намуналари қўйилган карточка.

9. Етказиб берувчи сифатида аккредитациядан ўтказиш учун ариза берувчи биржага (кейинчалик биржага бериш учун етказиб берувчи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) қуйидагиларни тақдим этади:

белгиланган шаклдаги ариза;
давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси;
етказиб берувчининг раҳбари ва бош бухгалтерининг нотариал тасдиқланган имзолари намуналари қўйилган карточка (бюджет ташкилотлари учун - тасдиқлаш юқори ташкилот томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин);

давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган ходимлар сони ва кичик бизнес субъектларига тегишлилик тўғрисидаги маълумотнома (кичик бизнес субъектлари учун);

белгиланган тартибда берилган тегишли лицензия ёки рухсатноманинг ксеронусхаси (агар савдолар предмети ҳисобланган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни ёки рухсат берувчи ҳужжат олишни талаб қилса).

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун етказиб берувчилар жавоб беради.

10. Буюртмачилар ва етказиб берувчиларни аккредитациядан ўтказиш бепул асосда амалга оширилади ва муддатсиз хусусиятга эга. Ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи, манзили, банк реквизитлари ўзгарганда ёхуд аккредитациянинг ҳолатига ёки амал қилиши давом этишига таъсир кўрсатадиган бошқа ўзгаришлар ҳолатида буюртмачилар ва етказиб берувчилар беш кун муддатда биржага тегишли ҳужжатларни илов қилган ҳолда ушбу ўзгаришлар тўғрисида ёзма ахборот тақдим этишлари шарт.

11. Аккредитация натижалари бўйича биржа:

буюртмачига (етказиб берувчига) берилган фойдаланувчининг яқин тартибдаги рақамига мувофиқ буюртмачига (етказиб берувчига) алоҳида шахсий ҳисоб рақами очади. Буюртмачиларнинг аванс тўловлари ва етказиб берувчиларнинг молиявий закатлари ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олинган иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ушбу шахсий ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади;

буюртмачилар ва етказиб берувчиларга электрон почта манзиллини тақдим этади, уларда ўтказиладиган савдолар тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур маълумотларни жойлаштиради.

12. Буюртмачи савдоларда қатнашиш учун мустақил равишда ёки агент орқали биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачи (етказиб берувчи) рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига):

махсус ахборот порталида жойлаштириш учун савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг матнини;

қоғоз ёки электрон шаклда савдолар предмети бўйича ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун савдолар ўтказилганда лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни (қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлар параллел лойиҳалаштирилган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этади.

13. Савдолар буюртмачининг эълонида баён қилинган талаблар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

14. Буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг ўз агентлари билан ўзаро муносабатлари, шу жумладан агентни тақдирлаш суммаси улар ўртасида тузилган топшириқ шартномаси асосида белгиланади. Товарларнинг давлат харидлари бўйича агентни тақдирлаш суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда биржа томонидан белгиланадиган чекланган миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

15. Савдоларда қатнашишга қўйиш учун аккредитациядан ўтказилган буюртмачилар савдолар ўтказиш тўғрисида эълон берилган пайтдан бошлаб йигирма беш кундан кечикмай кейинчалик бошланғич нархнинг 0,05 фоизи миқдорда биржанинг воситачилик йиғими тўланишини таъминлаш учун ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ўз шахсий ҳисоб рақамларига аванс тўловлари тўлашлари шарт.

Аванс тўловлари буюртмачи томонидан ушбу банднинг биринчи хат бошида кўрсатилган муддатда тўланмаган тақдирда савдолар ўтказишга буюртма ўз-ўзидан бекор қилинади.

Буюртмачи томонидан тўланган аванс тўловлари электрон тизим томонидан савдолар солиби аниқланадиган пайтгача блокировка қилинади.

16. Аккредитациядан ўтказилган етказиб берувчилар савдоларда қатнашишга қўйиш учун ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ўз шахсий ҳисоб рақамларига олдиндан савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган миқдорда, бироқ бошланғич нархнинг уч фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда молиявий закат тўлашлари шарт.

Етказиб берувчи томонидан тўланган молиявий закат электрон тизим томонидан савдолар солиби аниқланган пайтгача ёки агар ушбу пайтда етказиб берувчининг таклифи энг яхши таклиф бўлмаган тақдирда етказиб берувчидан лот бўйича савдолардан чиқиш тўғрисида ёзма билдиришнома олингунга қадар блокировка қилинади.

Ушбу банднинг иккинчи хат бошида назарда тутилган ҳолда етказиб берувчи савдолардан чиққан тақдирда унинг закали унинг ёзма билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ўтказилиши керак ёки унинг ёзма аризаси бўйича бошқа савдоларда кейинчалик қатнашиш учун закат ҳисобига қабул қилинади.

III. Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишга буюртмаларни жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни етказиб берувчиларга етказиш

17. Буюртмачи томонидан мустақил ёки унинг агенти орқали тақдим этилган савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълон биржа томонидан улар тақдим этилган санадан бошлаб бир кун муддатда бир вақтнинг ўзида буюртманомалар электрон тизимда ўз-ўзидан шакллантирилган ҳолда махсус ахборот порталида жойлаштирилади. Рўйхати Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган товарларнинг давлат харидлари тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида етказиб берувчини - савдоларнинг солибини аниқлаш санасидан камида 30 кун олдин жойлаштирилиши керак.

18. Махсус ахборот порталида савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон жойлаштирилганлиги учун агент томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда биржа томонидан белгиланадиган чекланган миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади.

19. Савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

буюртмачининг номи ва манзили;
савдолар предметини молиялаштириш манбалари;
савдоларнинг биринчи ва охири куни (савдолар муддати);
савдолар предметининг бошланғич нархи;
савдолар предметининг тавсифи (савдолар предметининг спецификацияси);

савдолар предметини лотлар бўйича бўлиш ва ҳар бир лотнинг миқдори;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш муддатлари ва шартлари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойи (манзили).

20. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)нинг айрим турлари давлат харидлари фақат ёки устун даражада кичик бизнес субъектларидан амалга оширилиши керак бўлса, савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда ушбу шарт мажбурий кўрсатилади.

IV. Савдоларни ўтказиш ва тузилган контрактларни рўйхатдан ўтказиш

21. Савдолар электрон тизимда бошланғич нарх босқичма-босқич пасайтирилган ҳола ўтказилади. Босқичнинг ўлчами биржа томонидан белгиланади.

22. Савдоларни ўтказиш, тўланган молиявий закат суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича савдоларга қўйиш, савдолар голибларини аниқлаш, битимларни рўйхатдан ўтказиш ва савдолар (тикет) баённомасини расмийлаштириш электрон тизимнинг дастурий комплекс билан амалга оширилади.

23. Биржа электрон тизимнинг оператори сифатида:

электрон тизимнинг узлуксиз ишлашини;
савдолар ушбу Низомга ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказилишини;

ушбу лот бўйича савдоларга қўйилган барча етказиб берувчиларнинг жойлашиш жойидан қатъи назар уларнинг барчасининг савдоларда бир вақтнинг ўзида қатнашиши имконияти берилишини;

савдоларни ўтказишда ва уларнинг натижаларини чиқаришда ошкоралик ва аниқ-равшанликни;

савдоларнинг аккредитациядан ўтказилган барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари тенглигини;

нархи бўйича энг яхши буюртманомаларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш йўли билан савдолар голибларини аниқлашнинг холисоналигини;

етказиб берувчиларни улар белгиланган миқдордаги молиявий закатни тўлаганларидан кейин савдоларга қўйиш йўли билан уларнинг буюртманомаларини таъминлашга мажбурдир.

24. Етказиб берувчиларнинг жавоб тариқасидаги буюртманомаларини қабул қилиш буюртмачи ёки унинг агенти томонидан буюртмачининг ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида шахсий ҳисоб рақамига унинг аванс тўлови мавжуд бўлган тақдирда электрон тизимга харид учун буюртманома киритилган пайтдан бошланади.

25. Савдоларда қатнашаётган аккредитациядан ўтказилган етказиб берувчиларнинг номи ва улар билан алоқа қилинадиган маълумотлар электрон тизимда акс эттирилмайди, ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

26. Савдолар давомида электрон тизим етказиб берувчиларнинг берилган буюртманомаларидан энг кам нархли буюртманомани ўз-ўзидан танлайди, у электрон тизимда акс эттирилади ҳамда савдоларнинг барча қатнашчиларига - ушбу пайтдаги буюртмачилар ва етказиб берувчиларга маълум бўлади.

27. Агар савдоларда камида икки нафар етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтган деб ҳисобланади.

Агар савдоларда икки нафардан кам етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади, савдолар голиби аниқланмайди ва савдолар такроран ўтказилиши мумкин.

28. Етказиб берувчилардан таклифлар бўлмаслиги (ёки савдоларда фақат бир нафар етказиб берувчи қатнашиши) сабабли, шунингдек етказиб берувчилар томонидан бошланғич нархдан ортиқ бўлган нархлар таклиф қилинганда, бюджет маблағларини олувчи ҳисобланган буюртмачи учун озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат хариди бўйича савдолар бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда ғазначилик органлари деб аталади) билан келишган ҳолда такрорий савдолар ўтказмасдан буюртмани жойлаштиришга йўл қўйилади.

Такрорий савдолар ўтказмасдан озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат хариди бўйича буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорни келишиш учун бюджет маблағларини олувчи ҳисобланган буюртмачи ғазначиликнинг тегишли органларига кўрсатиб ўтилган давлат хариди билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ва савдоларни бўлиб ўтмаган деб эътироф этган ҳолда ёзма мурожаатни юборади.

Такрорий савдолар ўтказмасдан буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорни келишиш муддати ғазначилик органларига келишиш тўғрисидаги мурожаат тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Такрорий савдолар ўтказмасдан етказиб берувчи билан контракт фақат илгари махсус электрон порталда жойлаштирилган ушбу буюртма бўйича эълонда назарда тутилган шартларда тузилиши мумкин. Бунда тузилган контрактнинг нархи:

савдоларда бошланғич нархдан паст нархни таклиф қилган фақат битта етказиб берувчи қатнашган ҳолларда ягона етказиб берувчи - савдолар қатнашчиси нархидан;

ўтказилган савдоларда етказиб берувчилардан таклифлар бўлмаган ёки етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархлар бошланғич нархдан юқори бўлган ҳолларда эълон қилинган бошланғич нархнинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

29. Савдолар тамом бўлиши вақти бошланганда тизим савдолар ўтказилишининг бутун вақти мобайнида берилган энг паст нархли буюртманомани ўз-ўзидан аниқлайди. Энг паст нархли буюртманомани берган етказиб берувчи электрон тизим томонидан савдоларнинг қолиби сифатида танлаб олинади. Етказиб берувчининг номи электрон тизимда акс эттирилади. Электрон тизим буюртмачининг буюртманомасида баён қилинган шартларга мувофиқ биржа билан етказиб берувчи - савдолар қолиби ўртасидаги баённомани расмийлаштиради.

30. Қоғоз форматдаги савдолар баённомаси биржа ёки биржанинг минтақавий савдо майдони ва етказиб берувчи (унинг агенти) томонидан икки нусхада имзоланиши керак, улардан бири буюртмачига (унинг агенти) берилади.

31. Буюртмачи ва савдоларда қолиб чиққан етказиб берувчи савдолар баённомаси асосида савдолар қолиби аниқланган пайдан бошлаб беш иш куни мобайнида контракт тузиши шарт.

32. Буюртмачи контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда етказиб берувчи контракт тузишдан бош тортиш туфайли етказилган зарарларни қоплаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

33. Товарларнинг давлат харидлари бўйича контракт тузишни буюртмачи рад этиши ёки бошқача тарзда бош тортиши тўғрисидаги ахборот давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи буюртмачининг мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш учун Ҳукумат комиссиясига юборилади.

34. Савдоларда қолиб чиққан етказиб берувчи контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда унинг молиявий зақалати, биржанинг воситачилик ҳақи бундан мустасно, қолиб аниқланган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда етказилган зарар учун компенсация сифатида буюртмачининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

35. Етказиб берувчи контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда буюртмачи контракт тузишдан бош тортиш туфайли етказилган зарарларни қоплаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Савдоларда қолиб чиққан, бироқ контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган етказиб берувчи биржа томонидан ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилади, энгил бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганлиги муносабати билан рад этиш ҳоллари бундан мустасно.

36. Ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилган етказиб берувчилар олти ой мобайнида савдоларда қатнашишга қўйилмайдилар. Етказиб берувчини ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритиш тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

37. Савдоларда қолиб чиққан контракт тузишни рад этган ёки бошқача тарзда бош тортган тақдирда буюртмачи учун навбатдаги энг яхши нархни таклиф этган етказиб берувчи, ушбу етказиб берувчи уни савдолар қолиби деб эътироф этишга ва контракт тузишга рози бўлган тақдирда, савдолар қолиби деб эътироф этилади. Савдоларнинг иккинчи қолиби билан контракт у томонидан савдоларда таклиф этилган нарх ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

38. Битишув ҳолати бўйича ҳисоб-китоб-клиринг палатаси буюртмачиларнинг аванс тўловлари ва етказиб берувчиларнинг молиявий зақалатлари суммасидан биржа фойдасига битишув ҳақиқий суммасининг 0,05 фоизи миқдорида воситачилик йиғимлари ундиради.

39. Буюртмачи ва савдоларда қолиб чиққан етказиб берувчи билан контракт тузилгандан кейин биржа (ёки биржанинг минтақавий савдо майдони) бир иш куни мобайнида кўрсатиб ўтилган контрактни рўйхатдан ўтказиши.

40. Биржа томонидан буюртмачининг аванс тўлови ва савдоларда қолиб чиққан етказиб берувчининг молиявий зақалати қолдиғи улар ўртасида контракт тузилган пайдан бошлаб бир иш куни мобайнида уларнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади ёки уларнинг ёзма билдиришномасига кўра бошқа савдоларда қатнашиш учун аванс тўловлари ҳисобига қабул қилинади.

41. Савдоларнинг қолиби деб эътироф этилмаган етказиб берувчининг молиявий зақалати қолиб аниқланган пайдан бошлаб бир иш куни мобайнида қайтарилади.

V. Савдолар қатнашчиларининг жавобгарлиги

42. Буюртмачи:

савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳоллари бундан мустасно);

Ҳукумат комиссиясининг ишчи органига буюртмачи томонидан товарларнинг давлат хариди амалга оширилишида ушбу Низом бажарилиши мониторинги олиб борилиши учун ишончли ахборот тақдим этилиши;

томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш туталлангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

43. Етказиб берувчи:
савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни (ишлар, хизматларни) етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчининг буюртманомалари шартлари буюртмачининг буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
тузилган контракт шартлари бажарилмаслиги учун жавоб беради.

44. Биржа:

савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида эълон қилиниши;

буюртмачилар, етказиб берувчилар ва уларнинг агентларини аккредитациядан ўтказиш ёки уларни савдоларга қўйиш асоссиз рад этилганлиги ёхуд савдоларга қўйиш чекланганлиги;

савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда савдолар ғолибини аниқлаш тартиб-қоида сига риоя этилиши;

савдолар баённомасини имзолаш муддатлари бузилиши ёки имзолаш рад этилиши;

электрон тизим ва махсус ахборот портали узлуксиз ишлаши;

савдолар натижалари бўйича томонлар томонидан тузилган контракт рўйхатдан ўтказилиши учун жавоб беради.

45. Савдолар тартиб-таомилидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, биржа, Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи ёки савдоларнинг бошқа қатнашчилари хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар хўжалик суди томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 1 апрелдаги
100-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини харажатларини маблағ билан таъминлаш (тўлаш) тартибига қуйидаги мазмундаги 38¹-банд қўшилсин:

«38¹. Ўз бўлинмалари учун марказлаштирилган харидни амалга оширадиган бюджет ташкилотлари раҳбарлари давлат харидларини ташкил этиш ва самарали амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан жавоб берадилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низомда:

а) 5-банднинг иккинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача тенг суммадаги битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишда харидлар буюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарорига кўра қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тендер савдолари ўтказмасдан (ушбу Низомнинг 5⁴-бандда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади»;

б) 5¹-бандда:

3-кичик банддаги «энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан» сўзлари «300 АҚШ долларига тенг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-кичик банддаги «тегишли молия органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда молия органлари деб аталади) билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 5³ ва 5⁴-бандлар қўшилсин:

«5³. Рўйхати Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган марказлаштирилган манбалар ҳисобига давлат харидларини амалга оширадиган ташкилотлар махсус ахборот порталида, мазкур Низомнинг 5¹-банди 1, 3-9-кичик бандларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, товарлар етказиб берувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчини аниқлаш санасигача камида 30 кун олдин келгуси харидлар тўғрисида, шунингдек биржа савдоларида товарлар харид қилиш ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган бошқа ҳолатлар тўғрисидаги эълонни жойлаштириши шарт.

5⁴. 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача суммага битта контракт бўйича рўяхати Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг айрим турлари давлат харидлари Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон аукцион савдолар орқали амалга оширилади, ушбу Низомнинг 5¹ банди 1, 3-9 кичик бандларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек товарларни биржа савдоларида харид қилиш ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган бошқа ҳоллар бундан мустасно»;

г) 47-бандда:

учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тендерга камида учта қатнашчининг таклифи тақдим этилса»;

қуйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«кичик бизнес субъектлари учун ажратилган квоталар бўйича ўтказиладиган тендер қатнашчилари орасида ушбу тоифа ташкилотлар бўлмаса»;

д) 55-бандга қуйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«Бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилди».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 69-модда):


а) 1-банддаги «71 нафардан» сўзлари «унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари сонини тегишли равишда қисқартириш ҳисобига кўрсатилган ходимлар сонини 4 нафарга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда 73 нафардан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хат бошидаги «17» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 15 ноябрдаги
393-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони - 73 киши»;

г) 2-иловада:

6-бандга қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш»;

давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдолари ўтказилишининг тўғрилигини назорат қилиш»;

7-бандга қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ва текшириш»;

давлат харидлари бўйича қалбакилаштириш, савдолар қатнашчилари ўртасида тил бириктириш, коррупция алоқалари мавжудлиги ва сохта тендер (танлов) савдолари ўтказилиши белгилари бўлган савдоларни аниқлаш ҳамда уларни бекор қилиш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўриш»;

8-бандга қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ва текшириш»;

давлат харидлари бўйича қалбакилаштириш, савдолар қатнашчилари ўртасида тил бириктириш, коррупция алоқалари мавжудлиги ва сохта тендер (танлов) савдолари ўтказилиши белгилари бўлган савдоларни аниқлаш ҳамда уларни бекор қилиш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўриш»;

11-бандда:

11.1-кичик бандга қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг газна ижросини назорат қилиш бўлими»;

Инвестиция дастурларига ажратиладиган марказлаштирилган маблағлардан ва Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш бўлими»;

Давлат харидлари бўйича тендер (танлов) ўтказилишини назорат қилиш бўлими»;

Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси»;

11.6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11.6. Мурувват ёрдамидан ва техникавий кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси»;

12-бандда:

12.3-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12.3. Инвестиция дастурларига ажратиладиган марказлаштирилган маблағлардан ва Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш бўлими»;

қуйидаги мазмундаги 12.5 ва 12.6-кичик бандлари қўшилсин:

«12.5. Давлат харидлари бўйича тендер (танлов) ўтказилишини назорат қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг газна ижросини назорат қилиш бўлими».

12.6. Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бўлими».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низомда:

а) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агар ёпиқ савдоларда қатнашишга розилик билдирган пудратчилар (етказиб берувчилар) сони учтадан кам бўлса, у ҳолда танлов шартлари аниқлаштирилган ва/ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади»;

б) қуйидаги мазмундаги 27¹-банд қўшилсин:

«27¹. Рўйхати Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилган 500 млн сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади»;

в) 47-банднинг ўнинчи хат бошидаги «нарх преференциялари» сўзларидан кейин «шунингдек қонунчиликка мувофиқ кичик бизнес субъектлари учун ажратиладиган квоталар миқдорлари» сўзлари қўшилсин.

г) 81-бандда:

иқкинчи хат бошидан «ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«кичик бизнес субъектлари учун ажратилган квоталар бўйича ўтказиладиган танлов савдолари қатнашчилари ўртасида ушбу тоифа қорхоналар мавжуд бўлмас».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда):

а) 1-банднинг учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«товарлар (ишлар, хизматлар)нинг, шу жумладан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарларнинг аукцион савдолари»;

б) 3-бандда:

иккинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«биржа аъзолари-дилерлар биржа савдоларида улгуржи савдони фақат уларда улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига лицензия мавжуд бўлганда амалга оширадилар»;

тўртинчи хат боши чиқариб ташлансин;

бешинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товар-хом ашё биржаларининг аукцион ва кўргазма-ярмарка савдони ташкил этишга харажатлари битишувлар иштирокчиларидан воситачилик йиғими олиш ҳисобига, шунингдек аукцион ва кўргазма-ярмарка савдо қатнашчиларига кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (реклама, ахборот, маслаҳат бериш, ўқув, ноширлик хизматлари ва шу кабилар) ҳисобига қопланади»;

в) 4-банднинг учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ихтисослаштирилган ва минтақавий савдо майдонлари тармоғини кенгайтириш, шу жумладан кўрсатиб ўтилган савдо майдонларини биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдоларининг электрон тизимига улаган ҳолда юридик шахсларни аккредитация қилиш йўли билан кенгайтириш бўйича чоралар кўриш».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги тўғрисидаги Низомда:

а) 8-бандга қуйидаги мазмундаги олтинчи хат боши қўшилсин:

«давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва доимий равишда янгилан бориш, давлат харидларини амалга оширишда нархни шакллантириш жараёнини назорат қилиш»;

олтинчи-саккизинчи хат бошилар тегишли равишда еттинчи-тўққизинчи хат бошилар деб ҳисоблансин;

б) 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хат боши қўшилсин:

«-кичик бизнес субъектлари унда кенг иштирок этишини назарда тутадиган давлат харидларини амалга оширишда танлов ва тендер тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва уларни қўллашни кенгайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш»;

ўн саккизинчи-ўн тўққизинчи хат бошилар тегишли равишда ўн тўққизинчи-йигирманчи хат бошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«-давлат харидлари бўйича маълумотлар, шу жумладан давлат харидлари бўйича бюджетдан маблағ олувчилар томонидан жойлаштириладиган буюртмалар, шунингдек бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар бўйича маълумотлар электрон базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилан бориш»;

- Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи функциясини амалга оширади»;

в) 10-бандга қуйидаги мазмундаги хат бошилар қўшилсин:

«-Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи функциясини бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлардан зарур материалларни олиш»;

давлат харидлари жараёни қатнашчиларидан кичик бизнес субъектлари учун ажратилган квоталарга риоя этилишига тегишли бўлган ахборотларни сўраш»;

г) 11-банднинг учинчи хат бошидаги «бюджетдан маблағ олувчилар томонидан сотиб олиннадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг сунъий кўпайтирилиши» сўзлари «давлат харидларини амалга оширишда, шу жумладан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилинганда нархларни ошириб юбориш мавжудлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 67-позиция қўшилсин:

«67 Ризлторлик фаолияти».